



ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИЯСИГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда маслаҳатчи Чакрабартининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфатли муносабатларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялари қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари "йўл харитаси" ва устувор йўналишлар бўйича бошқа муҳим концептуал ҳужжатларни биргаликда пухта тайёрлашни давом эттириш ва кейинчалик уларни амалга ошириш

зарурлигини таъкидлади.

Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эслаб ўтамиз, Сума Чакрабартини Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинлашдан аввал саккиз йил давомида Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Республикада электротехника саноатини ривожлантириш ва модернизация қилиш, янги турдаги замонавий электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тармоқнинг инвестициявий ва экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишлардаги ишларни янада жадаллаштириш, маҳаллий электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш, тармоқ корхоналарининг илмий-технологик, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар учун электротехника тармоғи самарадорлигининг куйидаги асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин:

мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмини 2021 йилда 55 минг тоннага, 2022 йилда 70 минг тоннага етказиш;

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилда 15 триллион сўмга, 2022 йилда 19 триллион сўмга ошириш;

маҳсулотлар экспорти ҳажмини 2021 йилда 450 миллион АҚШ доллари, 2022 йилда 600 миллион АҚШ доллари миқдорига таъминлаш;

тармоқдаги иш ўринлари сонини 2021 йилда 27 мингга, 2022 йилда 34 мингга етказиш.

Электротехника саноатини ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳи (Д.Ш.Султанов) ушбу бандда белгиланган асосий мақсадли кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш ва уларни 2023 йилда камида 30 фоизга ошириш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин.

2. 2021-2022 йилларда электро-

техника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури 1, 1а ва 1б-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (С.У.Умурзаков) ушбу бандда назарда тутилган дастурга, зарур ҳолларда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. 2021 йил 1 мартдан бошлаб электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдирish учун электротехника тармоғи корхоналарига Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган фоиз ставкаси билан миллий валютада бериладиган кредитларнинг 20 миллиард сўмгача бўлган қисми бўйича фоиз ставкасини Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисмини, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда Тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан уч йил муддатга компенсация қилиш тартиби ўрнатилсин.

4. Электротехника тармоғи корхоналарини Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қўллаб-қувватлашнинг куйидаги чоралари жорий этилсин:

2024 йил 1 январга қадар электротехника ва электромаиший маҳсулотларни барча мамлакатларга, шу жумладан, қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг 50 фоизини, бироқ маҳсулотлар экспорт қийматининг (транспорт харажатларисиз) автомобиль транспортида 15 фоиздан, темир йўл транспортида 20 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда қоплашга субсидиялар тақдим этиш;

молиялаштириш манбаларидан

қатъи назар танловлар (тендерлар) доирасида аванс тўловларини амалга ошириш (қайтариш), хорижий валютадаги шартнома шартларини бажариш ва етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кафолат муддатларини таъминлаш юзасидан маҳаллий тижорат банкларидан кафолатлар олишда гаров таъминоти сифатида кафолат суммасининг 50 фоизига, бироқ 3 миллион АҚШ доллари-дан ошмаган миқдорда кафиликлар бериш.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (С.У.Умурзаков) бир ой муддатда ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

5. 2021 йил 1 апрелдан 2024 йил 1 январга қадар муддатга ҳисобот даври якунлари бўйича электротехника маҳсулотларини сотишдан тушган тушуми миқдори умумий тушумининг 80 фоиздан кам бўлмаган электротехника тармоғи корхоналарига фойда солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича ставкаларни 50 фоизга камайтириш тарзида солиқ имтиёзлари берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг берилиши муносабати билан бўшаган маблағлар:

корхоналар томонидан дивидендлар кўринишида тақсимланмайдиган; янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилишга йўналтирилади.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва "Ўзэлектросаноат" уюшмасининг:

"Олмалик КМК" АЖ томонидан ишлаб чиқарилган мис катодини биржа савдоларига қўйишда унинг боланғич нархини қўйилган қиймат солиғисиз Лондон металл биржаси нархидан 2021 йил 1 апрелдан —

8 фоиз, 2022 йилда — 6 фоиз ва 2023 йилда — 4 фоиз миқдорда чегирма билан, 2024 йил 1 январдан эса Лондон металл биржаси нархидан (экспортга реализация қилинадиган нархда) белгилаш;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб мис хом ашёсини биржа савдолари орқали харид қилишда юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган тармоқ корхоналари томонидан тўловнинг 25 фоизини аванс тарзида ва қолган 75 фоизини мис хом ашёсини олингандан сўнг 90 иш кун ичида ҳар ойда тенг улушларда амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров) "Ўзэлектросаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов) билан биргаликда икки ҳафта муддатда юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган тармоқ корхоналарининг рўйхатини тасдиқлаб, "Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси" АЖ га киритсин ва ушбу рўйхатни зарур ҳолларда янгилаб босин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мазкур қарорнинг 3 ва 4-бандларида назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари мис катоди ва мис катанкисини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишга таътиб этилмайди;

"Ўзэлектросаноат" уюшмасининг кафолатига асосан юқори технологияли ишлаб чиқариш жараёнини жорий этган корхоналарга товарларни экспорт қилишда ноль даражали солиқ ставкаси қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган қўйилган қиймат солиғининг салбий фарқ суммаси уч кун ичида қоплаб берилади. Бунда, солиқ суммаси қоплаб берилгандан сўнг, камерал солиқ текшируви белгиланган тартибда амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикасининг БМТ га аъзо бўлиши тўғрисидаги қарор ташкилот Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида овозга қўйилмаган ҳолда қабул қилинган. БМТ нинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида мустақил Ўзбекистон байроғи кўтарилган ушбу кун давлатимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг шу кунлардаги қароридан бундай дейилган эди: "1992 йил 2 март баҳор кунини авлодларимиз буюк тарихий кун деб атайдилар. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди ва БМТ биноси олдида мустақил, суверен республикамизнинг давлат байроғи кўтарилди". Шундан сўнг 1993 йил 24 октябрда Тошкентда БМТ нинг Халид Малик бошчилигидаги ваколатхонаси ўз ишини бошлади.

Давоми 4-бетда

БОҚИЙ МЕРОС

ЯЛАНГТЎШ БАҲОДИР — ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ ҲОМИЙСИ



Азамат ЗИЁ, тарих фанлари доктори, профессор

Сўнги йилларда тарих фанига бўлган катта эътибор, соҳа эгалари ижодий қарашларида ҳам ўзгаришлар ясамоқда. Илгари илмий жиҳатдан ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто оммабоп бир нима ёзиш "эп кўрилмаган" йўналиш, мавзуларга қўл урила бошланди. Ҳолбуки, улар бўйича изланишлар қилиш тақиқланганини биз билмаймиз. Балки мустамакка даврида мана шундай ёзилмаслиги тўғрисида очик айтилмаган курсатмалар бўлгандир, бироқ мустақиллик даврига келиб ҳам бу борада жиддий уринишлар бўлмади. Бундай ҳолнинг сабаби — бошқа соҳаларда бўлгани каби, умуман, ижтимоий фанлар, хусусан, унинг тарих йўналишида ҳалигача "совет мактаби" томонидан тортиб қўйилган чизиқлардан чиқиб кета олгани йўқ...

Давоми 5-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

40 йилда ушалган ОРЗУ



Илғор меъморий ечим, ўзига хос дизайн, театр жамоаси ва томошабинлар учун барча қулайликларга эга бўлган кўғирчоқ театрининг янги биноси вилоят марказининг чинакам диққатга сазовор масканларида бирига айланди.

6-бетга қаранг.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ, МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ ВА ТАШАББУСКОРЛИК — САМАРАЛИ МЕҲНАТ ПОЙДЕВОРИ

Жорий йил 10 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонни имзоладилар.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари бош муҳаррирининг Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқарувчиси Р.В. Абдуқодиров билан суҳбати мазкур Фармонда кўтарилган ва республика бошқаруви органлари ҳамда ҳокимликлари олдида турган тизимли вазифаларнинг муҳимлиги ва аҳамияти хусусида бўлди.

— Мазкур Фармонни қабул қилишнинг асосий моҳияти ва сабаблари ҳақида сўзлаб берсангиз. Ушбу масалаларга аввал қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларида алоҳида эътибор қаратилмаганми?

— Бу саволга жавоб бериш учун тарихга мурожаат қилиш зарур. Биринчидан — 1999 йил 12 январда Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 12-сон қарори қабул қилинди. Утган йиллар мазкур ҳужжатни қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлигини, бошқарув органларининг ишлаш амалиёти ва бу борада эришилган натижалар эса — ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган механизмлар, шакллар ва усуллар ўз самарасини бераётганини яққол тасдиқлади.

Иккинчидан — 2016 йил мамлакатда янги замонавий Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича бошланган тўб ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшиқлари самарали ва натижали ижро этилиши ҳамда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва

ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш масаласини кун тартибига олиб чиқиш ва буни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

2017 йил январда Ҳукуматнинг 2016 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида Вазирлар Маҳкамаси комплексининг ҳар бир раҳбарига, Ҳукуматнинг асарият аъзолари ва худудлар ҳокимларига принципал ҳамда қатъий баҳо берилди. Мажлисда шахсий интизом, масъулият ва ташаббускорликнинг йўқлиги жиддий камчиликлар ва хатоликлар асосини ташкил қилиши алоҳида таъкидланди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари томонларидан 2017 йил 11 апрелда ПҚ-2881-сон маҳсус қарор қабул қилинди. Алоҳида ўтказилган мажлисда Ҳукуматнинг барча раҳбарлари ва аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда республика худудлари ҳокимлари ушбу муҳим ҳужжатнинг мутлақо янги ёндашувлари билан таништирилди.

Утган беш йил Президентимизнинг ташаббуслари билан қабул қилинган чора-тадбирларнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини қатъий исботлади. 2016-2021 йилларда замонавий бошқарув усулларини амалиётга жорий этиш, ижронини назорат қилиш ва текшириш шаклларини такомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш борасидаги амалий ишлар, шунингдек, раҳбарлар шахсий масъулиятини ошириш бўйича қабул қилинган қатъий чора-тадбирлар давлат қўрилишининг серқирра вазифаларини бажариш, иқтисодий ва

ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, бугунги мураккаб шароитларда республикани барқарор ва жадал ривожлантиришнинг кафолати бўлди.

Учинчидан — ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди, балки олдимизга янги ва янги талабларни қўймоқда. Шу йилнинг 18 январда давлатимиз раҳбари кенгайтирилган селектор мажлисида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг замонавий босқичида муҳим тўб ўзгаришлар сифатида қонунчилик ҳужжатларининг ижросини самарали ташкил этиш бўйича комплекс вазифаларни яна бир бор аниқ белгилаб бердилар.

Шу ўринда савол туғилади: ушбу масаланинг кўтарилишига нима сабаб бўлди? Бу борада "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурининг айрим асосий ва муҳим йўналишларига эътибор қаратасан. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, экспорт салоҳиятини ошириш, давлат компанияларини трансформация қилиш, товар ва молия бозорларида эркин рақобат муҳитини шакллантириш, худудларни, айниқса, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишдан орқада қолаётган 33 та тумани янада комплекс ривожлантириш, 84 та шаҳар ва туманда саноат салоҳиятини ошириш, технопарклар, кластерлар ва логистика марказларини ташкил қилиш, муваффақиятли бизнес юритиш учун бир қатор лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бекор қилиш Давлат дастурида устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

экспорт қилувчи электротехника саноати корхоналари томонидан товарлар улар буйича тўловларни кечиктириб тўлаш шартли билан экспорт қилинганда, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун револьвер кредитларни молиялаштиришга Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига фойсиз моливий ресурслар тақдим этилади. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдоридан, бироқ 3 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда йиллик 2 фойсиз ставка (банк маржаси) билан ажратилади.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) "Ўзстандарт" агентлиги (Д.Н.Саттаров) ва "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов) билан биргаликда:

2021 йил 1 октябрда қадар электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг техник регламентлар ва халқаро талабларга мувофиқлигини (хавфсизлик кўрсаткичлари ва энергия самарадорлигини) баҳолаш буйича замонавий синов лабораторияси ва сертифицилаштириш марказини ташкил этиш ишларини ажратилган;

2022 йил 1 мартга қадар синов лабораторияси фаолиятини халқаро меъёрлар асосида ривожлантириш ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишни инobatта олган ҳолда, уни халқаро аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарти-

риш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров), "Ўзстандарт" агентлиги (Д.Н.Саттаров) билан биргаликда уч ой муддатда синов лабораторияси учун зарур асбоб-ускуналар рўйхати шакллантирилиши, уларнинг хариди буйича лойиҳаолди ҳужжатлари ишлаб чиқиши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А.Қўчқоров, С.У.Умурзаков) "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов) билан биргаликда синов лабораториясини ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан "Ўзстандарт" агентлигига зарур маблағлар (35 миллиард сўмгача) ажратилишини, синов лабораторияси "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси биносидан жойлаштирилишини ва унинг асбоб-ускуналари "Ўзэлтехсаноат" уюшмасига оператив бошқарув ҳуқуқи билан берилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган қўшимча йўналишлар сифатида белгилансин:

юқори қўшилган қиймати мис маҳсулотларини экспорт қилувчи тармоқ корхоналарининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни ташқи бозорларда сотиш билан боғлиқ харажатларини маҳсулот турларидан келиб чиқиб, экспорт қийматининг 6 фойсизгача миқдорда қўллаш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш буйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида, ҳудудларда электротехника саноатига ихтисослаштирилган индустриал технопарклар ташкил этиш;

тармоқ корхоналарининг ташқи бозорларда ўз маҳсулотларининг жозибадорлигини оши-

риш буйича маркетинг тадқиқотлари олиб бориши, тармоқ лойиҳаларининг лойиҳаолди ҳужжатларини (бизнес-режалар, техник-иқтисодий асослар ва бошқалар) ишлаб чиқиши, шунингдек, жаҳон бозорини ўрганиш ва маркетинг таҳлилларини амалга ошириш учун халқаро маълумотлар базаларига (ахборот ресурсларига) уламини билан боғлиқ харажатларини 50 фойсизгача қўллаш;

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ижро аппаратида хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қисман ёки тўлиқ молиялаштириш.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармасига республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2021 йилнинг биринчи, иккинчи ва учинчи чорақларида тенг улушларда 75 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилишини таъминласин ва кейинги йилларда бюджет параметрларида ушбу мақсадлар учун маблағларни назарда тутсин.

10. "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил март ойдан бошлаб ҳар йили маҳаллий ва хорижий корхона вакиллари, салоҳиятли инвесторлар, экспертлар ва тармоқда алоқадор бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда, Электротехника ва электроника халқаро савдо кўргазмасини ("Uzbek International Electrotechnics & Electronics Fair") ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) бир ой муддатда электротехника ва электроника халқаро савдо кўргазмасига

тайёргарлик кўриш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш буйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва амалга оширишни бошласин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафоев) 2021 йил 1 декабрда қадар электротехника саноатини ривожлантириш ва тармоқда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат дастурлари доирасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириладиган лойиҳалар буйича танлов (тендер) ўтказилганда маҳаллий маҳсулотлар сотиб олиншини назарда тутувчи "миллий контент" тизимини жорий этиш юзасидан тақлифларни;

илмий тадқиқотларга ва тажриба-конструкторлик ишланмаларга доир харажатларни фойда солиғи буйича солиқ солинадиган базадан 2 коэффицент кўлланилган ҳолда чегириш тартибини назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К.Абдиназаров), "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси (М.М.Юнусов):

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 2 март

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



Иброҳим АБДУРАҲМОҶОВ, инновацион ривожланиш вазири, академик

Бугун инновацияларга эҳтиёж ҳар жабҳада яққол сезилмоқда. Шунга монанд омманинг ҳам уларга қизиқиши тобора ортапти. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, иқтисодиётнинг тараққиёти доимо макбул инновацион стратегия, энг сўниги илмий-техник ютуқлардан фойдаланиш, ахборот технологиялари имкониятларини кенг жорий этишга боғлиқ.

Президентимиз Наманган вилоятига ташрифи асосида ҳамда яқинда қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари хусусида ўтказилган йиғилишда инновацияларни олис ҳудудлардаги аҳолига етказиш, маҳаллий олимлар яратган ишланмалар орқали одамларнинг оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг янги технологияларга қизиқишини ошириш ва уларни инновацион фаолиятга жалб қилиш учун жорий йил давомида ҳар бир вилоятда биттадан иқтисодиёти жадал ривожланаётган тумани инновацион ҳудудга айлантириш вазифасини қўйди.

Илк намуна ва тажриба сифатида ушбу ташаббус буйича Чуст туманида эътибор қаратиладиган асосий йўналишлар, ҳамкор ва жавобгар ташкилотлар, иқтисодий асосларни аниқ белгилаб берди. Шунга мувофиқ, Чуст тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда тумани инновацион ҳудудга айлантириш буйича тақлифлар ва уларни амалга ошириш буйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Хўш, тумани инновацион ҳудудга айлантиришда қандай устувор ишлар бажарилади? Муайян ҳудудни инновацион ривожлантиришнинг муҳим омил инновацион инфратузилмани яратишдан бошланади. Бундай инфратузилма ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирадиган объект ва субъектлар жамланмасидир. Илмий фаолият натижаларини жорий этиш учун, аввало, макбул шароит яратилиши шарт. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий бюджетдан инновацион фаолиятга ажратилган 1,64 миллиард сўм маблағ туман ҳокимининг инновациялар буйича ўринбосари ва тумани инновацион ривожлантириш сектори фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ижтимоий инновацияларни жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Бу жараёнда туман ҳокимининг инновациялар буйича ўринбосари фаолиятини бевосита Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

ЧУСТ ТУМАНИ ИННОВАЦИОН ҲУДУДГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Туман қишлоқ ҳўжалиги секторига инновацияларни жорий этиш — ўта муҳим масала. Жараёнда фермер ҳўжаликлари, кластерлар ва ердан фойдаланувчиларга ресурслардан рационал ва самарали фойдаланишга кўмак бериш талаб этилади. Камроқ вақт, маблағ, табиий ресурслар сарфлаб, кўпроқ ва сифатлироқ озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш кўн тартибдаги муҳим вазифалардан.

Президентимизнинг "Ҳар бир ёшга бир гектар" лойиҳаси доирасида ҳозир Чуст туманида 2 минг 135 нафар ёшга 20 сотихдан ер ажратилган. Мана шу ташаббус доирасида меҳнатга бел боғлаган иқтидорли, фаол ёшларни қўллаб-қувватлаш учун улар орасидан инновацион гояга эга 200 нафар йигитга танлов асосида 10 миллион сўмгача маблағ ажратилади. Бу пул сифатли уруғ, ўғитлар харид қилиш ёки бошқа зарур инновацияларни жорий этишга сарфланиши мумкин.

Чуст туманида замонавий, инновацион "Chust textile" корхонаси ташкил қилинган ҳақиқатан тарихий воқелик ҳамда охириги йилларда пахтачилик соҳасида олиб борилган ислохотларнинг салмоқли натижаси бўлди. Навбатдаги вазифа корхонанинг миллий брендини яратишда инновациялар билан ёрдам беришдир.

Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази билан ҳамкорликда келгуси йилдан бошлаб Чуст туманида биотехнологик усулда олинган юқори ҳосилдор ва эртапишар "Порлоқ-1" ва "Порлоқ-4" гўза навлари 4 минг гектар майдонга экилади. Олинган пахта толаси қайта ишланиб, "Chust textile" корхонасида тайёр маҳсулотга айлантирилади. Бу келгусида экспортга йўналтирилган "Порлоқ Чуст" миллий брендини яратишга хизмат қилади. "Порлоқ-1" ва "Порлоқ-4" гўза навларининг толаси узун бўлгани боис уни хорижий давлатларга экспорт қилиш истиқболли саналади. Янги ҳосил етиштирилганига қадар Геномика ва биоинформатика маркази захирасидаги 4 тонна пахта толаси яқин кунларда "Chust textile" корхонасига етказиб берилди ва экспериментал маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда импорт ўринини босувчи маҳаллий хомашё ва пробиотик бактериялар асосида озуқа тури ва қўшимчасини яратиш ҳамда ишлаб чиқариш лойиҳаси давлатимиз томонидан қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга катта эътибор қаратилаётгани маҳсулдиридир. Шахсий ёрдамчи, деҳдон ва фермер ҳўжалиқларида чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликка қизиқиш ортаётгани янги озуқа турларини қўлайтириш ва ишлаб чиқаришни талаб этмоқда.

Чуст туманида хориждан импорт қилинадиган озуқа қўшимчалари ўрнига маҳаллий пробиотик бактериялар асосида озуқа қўшимчаси ва озуқа турларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш қишлоқ ҳўжалиги ҳайвонларидан мўл ва сифатли маҳсулот олинишига хизмат қилади. Турли пробиотик асосли қўшимчалар билан ишлов бериш емнинг хавфсизлиги ва озуқавийлигини таъминлайди. Турли замбуруғ микотоксинларидан ҳимоялаб, озуқада оқсил, аминокислота, витаминлар миқдорини орттиради. Бундан ташқари, чорва молларининг ҳазми тизимини яхшилаб, сут ва гўшт маҳсулдорлигини оширади.

Ҳозир технопарклар инновацион инфратузилмани кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг муҳим механизмиларидан бири вазифасини ўтамоқда. Технопаркларнинг мақсади инновацияларнинг ишлаб чиқариш ва истеъмол бозорига кириб бориш йўлини қисқартириш, инновацион лойиҳа-



ларни мантиқий яқинига етказиш, инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратишдан иборат.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги "Яшнобод" инновацион технопаркида 2018–2020 йиллар мобайнида 35 резидент фаолият юритиб, 337 та янги иш ўрни яратилди. Резидентлар томонидан 147,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1,1 миллион АҚШ доллари миқдоридagi товар экспорт қилинди. Мазкур технопарк резидентлари 4,6 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Ҳудудий инновацион зонани ривожлантириш мақсадида технопарк резидентлари экстерриториаллик асосида Чуст туманида жойлаштирилади. Бу туманда илгор технологиялар, илмга асосланган тадбиркорлик ривожига истиқболли инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга кўмак беради.

Наввий шаҳрида амалга оширилган стартап лойиҳамиз тажрибаси асосида Чуст шаҳри Wi-Fi Hotspot дастури асосида бепул интернет билан таъминланади. Мазкур лойиҳа хозирча Навий вилоятида амалга оширилган ва у юртимизда ягона ҳисобланади. Навий шаҳрида 400 та Wi-Fi қурилмаси ўрнатилган бўлиб, 6–10 километр радиусда шаҳар бўйлаб Wi-Fi тармоқлари ишга туширилган. Бундай тизимнинг Чуст шаҳрида ишга туширилиши ҳудудга тадбиркорларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, хавфсизлигини таъминлаш, озодалликни сақлаш каби қатор масалаларни ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Айни пайтда кутубхоналар катта ижобий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бу зиё масканларининг китобхоналарга ўзгача ёндашув билан бир қаторда фаолиятга янги технология имкониятларини олиб кириши билан ҳам ифодаланмоқда. Асосий мақсад оддий мўталаа залини коммуникациявий ва маданий марказга айлантиришдир. Зеро, рақамлаштириш жараёни жадал тараққий этаётган давримизда кутубхоналар технология ва услубий жиҳатдан ўзгариши табиий. Бу аснода кутубхоналарнинг илмжи ўзгаради, оммалашади, тарбиявий аҳамияти ошади.

Алишер Навий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг мавжуд электрон базасидан фойдаланган ҳолда, Чуст туманидаги ўн та қишлоқ мактабларида инновацион кутубхона ташкил этилади. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган бу лойиҳада QR кодларни жойлаштириш орқали адабий пештахталар ташкил этиш ҳам назарда тутилган.

Тиббиёт соҳасига инновацияларни жалб этиш ҳам жуда муҳим. Бу касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва назоратини тақомиллаштириш, шунингдек, янги препаратлар ва ускуналар билан боғлиқ, ўз навбатида, тиббий инновациялар аҳолининг ўзгариш талаб ва истакларини самарали қондиришга қаратилган билимлар қўламини кенгайтириш ва мавжудларини бойитишга қаратилган. Чуст туманида Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 907 миллион сўм маблағи ҳисобидан 1 минг 200 беморга хизмат кўрсатадиган онкологик касалликларни диагностика қилиш инновацион скрининг хизмати фаолияти йўлга қўйилди. Бундан мақсад саратон касаллигининг олдини олиш, эрта аниқлаш ва даволаш чораларини кўришга қаратилган. Мазкур хизмат вазирлигимиз ҳузурдаги Илгор технологиялар марказида акселератордан ўтган стартап лойиҳа бўлиб, наманганлик ёш олимпиада Шохиста Рустамова гоясига асосланган.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасига инновацияларни жорий этиш ва маҳаллий хомашёдан янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали бино ва иншоотларнинг мустақамлигини таъминлаш, бунёдкорлик жараёнига сарфланадиган вақт ва маблағни тежаш, экспорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби масалалар ҳал этилади. "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси билан ҳамкорликда ҳудудий тадбиркорлик субъектларини инновацион қурилиш материаллари, жумладан, керамогранит, металлпрофит ва қурилиш ойнаси ишлаб чиқарилиши. Шаҳарни ободонлаштириш, кўчаларнинг

кўркини очувчи замонавий транспорт бекатлари аҳолига қўлайлик яратувчи маконга айланмоқда. Вазирликнинг Термиз шаҳри тажрибаси асосида Чуст туманида ҳам маҳаллий бюджетнинг тасдиқланган харажатлари ҳисобидан ўн та "ақли бекат" ташкил этилади. Уларда ёғи-қишки кондиционер, жамоат транспорти ҳаракат жадаллигини таъминлаш, "Фуқаро-тезор ёрдам хизмати" факулда алоқа ахборот панели, атроф-муҳит мониторинги сенсори, бепул Wi-Fi интернет тармоғи, видеокузатув ҳамда USB электр тармоғи нуқталари ўрнатилди. Ҳар бир бекат кўёш панельлари билан таъминланди, улар бекатнинг ёриткичлари ва USB электр тармоғи нуқталарини автоном электр энергияси билан таъминлайди. Бундан ташқари, бекатдаги одамларнинг сони тўғрисида тезор маълумот тўплаш имконияти ҳам пайдо бўлади. Бу эса йўналишдаги транспорт ҳаракатини режалаштириш имконини беради. Шунингдек, бекатлар ва уларнинг ён-атрофида жамоат тартибини бузиш ҳолатлари буйича тезор маълумот олиш ҳам мумкин. Бекатларда банк тўлов терминаллари ўрнатилиши аҳолига яна бир қўлайлик бўлади. Ўчта бўлмали чикинди қутилари аҳолининг экологик маданиятини оширишга хисса қўшади. Бекатларда ўрнатиладиган поабзалларни тозаловчи ускуналар йўловчиларнинг саранжом-саршта юришига, жамоат транспортини тоза-озода сақланишига хизмат қилади.

Мавсумий иқлим ўзгаришларини инobatта олган ҳолда бекатлар очик ва ёпиқ қутиш залларидан иборат бўлади. Шунингдек, ўзгарувчан ҳаво иқлимга чидамлигини ошириш мақсадида "ақли бекат"нинг ички томонида ҳароратни назорат қилувчи мосламалар жойлаштирилади. Кеч тушганида бекатларнинг ойналари катта экран вазифасини ўтай бошлади. Уларда турли ижтимоий ва тижорий реклама роликлари намойиш этилади. Бу роликларни бекат ичидан ҳам, ташқарисидан ҳам туриб томоша қилиш мумкин.

Инновацияларнинг бошида тадқиқотлар, олимлар, илм-фан ютуқлари туради. Наманганлик олимлар яратган олтига янги ишланмани тижориллаштириш учун 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Булардан ташқари, годжи (дерева) доривор ўсимлигини етиштириш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда микроорганизмлар асосида органик-минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Жорий йил якунига қадар эса бекор юрган ёшларни Сирдарё тажрибаси асосида иш билан таъминлаш, тадбиркорликка қизиқтириш, кичик бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида Чуст шаҳрида кичик инновацион технологияларга ўқитиш ва улардан фойдаланишга ўргатувчи Инновацион бизнес-акселератор ташкил этилади. Ў ёшларда муҳандислик кўникмаларини шакллантириш ва инновацион фаолиятга қизиқиш уйғотишга, йигит-қизларнинг ахборот технологиялари буйича билим олиши ва иш билан таъминланиши, шунингдек, ҳудуднинг ижтимоий ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Бу йил Чуст туманини инновацион ҳудудга айлантириш буйича тажриба келгусида барча вилоятлардаги биттадан туманда амалиётга татбиқ этилади. Зеро, бу ташаббусни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит, ишланма ва илмий салоҳият, энг муҳими, халқимиз ва ёшларимизда хоҳиш-истак мавжуд.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

бу борадаги статистик маълумотлар нимани кўрсатяпти?



Умид МАДАМИНОВ,
Давлат статистика қўмитаси
бошқарма бошлиғи

Бугунги кунда ҳам мазкур халқаро ташкилот томонидан дунё аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва камбағалликдан азият чекаётган мамлакатларга кўмаклашиш мақсадида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясида 2000 йилда қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш дастури ҳамда 2015 йилда тасдиқланган 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари дастури бевосита дунё мамлакатлари аҳолисини иқтисодий-ижтимоий кўллаб-қувватлаш, шунингдек, экология бузилишининг олдини олган ҳолда аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган муҳим тадбирлар сирасига киради.

“ТУРМУШ ДАРАЖАСИ” АТАМАСИНИНГ ТАЪРИФИ ВА МОҲИЯТИ

Ўзбекистонда аҳолининг моддий, маънавий ҳамда ижтимоий эҳтиёжлари кўрсаткичларини ифодалайдиган “турмуш даражаси” атамаси кенгроқ қўлланилади. Унга тўлиқ илмий таъриф берадиган бўлса, бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирланганлик миқдоси ва уларни қондириш учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Аҳоли турмуш даражасини барчамиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ва истеъмол ҳажми миқдори ортиши ёки камайиши билан баҳолашга одатланганмиз. Аслида у анча кенгроқ тушунчадир. Лекин ҳозирча бу борадаги концепцияларни аҳолининг турмуш даражаси сифатини ҳар томонлама характерлаб берадиган ягона кўрсаткичга келтириш бўйича самарали ўсул мавжуд эмас.

БМТ тавсиясига кўра, туғилиш, ўлим, умр кўриш давомийлиги, санитар-гигиен шaroитлар мавжудлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли даражаси, уй-жой, таълим олиш ва маданий имкониятлар, иш шaroитлари ва бандлик даражаси, даромадлар ва харажатлар мувозанати, истеъмол нархлари, транспорт воситалари билан таъминланганлиги, дам олиш ва хordик чиқариш, ижтимоий таъминот, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қaфoлатланганлиги каби йўналишлар турмуш даражасини ифодаловчи

Ҳар бир сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларни амалиётга жорий этишнинг якуний мақсади халқ манфаатлари, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, етакчи мамлакатлар сафидан жой олишдир.

“Турмуш даражаси” тушунчаси ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизимини ривожлантиришда БМТ сезиларли ҳисса қўшди. 1960 йилда БМТнинг ишчи гуруҳи глобал миқёсда турмуш даражасини аниқлаш ва ўлчаш тамойиллари ҳақида ҳисобот тайёрлади. Бу кенг қамровли тизимни яратиб йўлидаги дастлабки қадам эди. БМТнинг халқаро статистика соҳасидаги турмуш даражаси кўрсаткичларининг охириги версияси 1978 йилда ишлаб чиқилган ва 12 та асосий йўналишни қамраб олган.

кўрсаткичлар таркибига киради.

Бироқ бу кўрсаткичларнинг ҳаммасини ҳам қиймат кўринишида баҳолаш имкони бўлмагани сабабли улардан бир нечасини қамраб олган ҳолда турмуш даражаси баҳоланади. Улардан энг асосийси аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳажми бўлиб, мазкур кўрсаткич мамлакат аҳолиси турмуш даражасини баҳолаш билан бирга халқаро таққосламаларда ҳам фойдаланилади.

Аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари самарадорлигининг кўламини, илмий-техник тараққиёт, аҳолининг маданий-маърифий савияси ва таркиби, миллий хусусиятлар, албатта, ҳукумат томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар ҳамда амалий ҳаракатлар натижасига боғлиқ бўлади.

“Давлат статистикаси тўғрисида”-ги қонуннинг 3-моддасига кўра, давлат статистикаси ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил этиш, эълон қилиш вазифаларини бажаради.

Йиллик статистика ишлари дастурига мўвofиқ, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда уй ҳўжалиқларида ўтказиладиган танлама кузатувлар маълумотларига асосан, аҳоли турмуш даражасини акс эттирувчи умумий ва жон бошига даромадлар, харажатлар, таълим даражаси, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, узоқ муددат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлик, уй-жой шaroитлари каби бир қанча кўрсаткичлар шакллантириб борилади.

КУЗАТУВ ВА КўРСАТКИЧЛАР НИМАДАН ДАЛОЛАТ БERAДИ?

Уй ҳўжалиқларида ўтказиладиган танлама кузатувлар юртимизнинг барча ҳўдудларини қамраб олган ҳолда йилга жами 10 000 та уй ҳўжалиғида ўтказилади. Бунда 120 дан ортiқ мутахассис (интервьюер) томонидан бевосита оила аъзолари билан суҳбатлашиш орқали маълумотлар олинади.

Фаровонлик даражаси таҳлили уй ҳўжалиқларининг иқтисодий ресурсларга эгалик қилиш даражасини, уларни истеъмол қилишга ёки жамғаришга, шунингдек, улардан бирини танлашга қодирлигини

аниқлашга имкон беради.

2020 йилнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли умумий даромадлари таркибидан ишлаб чиқаришдан келган тушумлар улуши 71,5 фоизни, шундан 69,3 фоизи меҳнат фаолиятдан олинган, 2,1 фоизи шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадларни ташкил этган.

Бозор шaroитида асосий иш жойидан бериладиган иш ҳақи аҳолининг аксарият қисми учун етакчи даромад манбаи ҳисобланади. Акс ҳолда у функционал



ролини бажара олмайди. Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи аҳоли жами даромадининг 60-80 фоизини ташкил этади, яъни уларнинг меъёрий ҳаёт фаолиятини таъминлаш асоси бўлиб хизмат қилади.

Агар МДҲ мамлакатларининг аҳоли даромадлари таркибини кўрадиган бўлсак, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи сифатида олган даромадлари Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россияда 55 дан 69 фоизгача бўлса, Қирғизистонда 40 фоиз атрофида, Ўзбекистонда 28,8 фоизни ташкил этади. Мол-мулкдан келган тушумлар 3,0 фоиз, трансфертлардан олинган даромадлар 25,5 фоизга тенг бўлган.

Юртимизда кейинги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида аҳолининг ишбилармонлиқдан олинган даромадлари улуши йил сайин ошиб бориб, 2020 йил январь-декабрь ойларида 58 фоизга етди. Бу кўрсаткич 2010 йилда 50 фоиз атрофида бўлгани инобатга олинса, 8 фоиз кўпайганига ғувоқ бўлаемиз.

Мол-мулкдан олинган тушумлар кам бўлса-да, аҳолининг тижорат банклари-

га бўлган ишончи ортиши, инновацион ишланмалар ривожланиши, қолаверса, акциядорлик корхоналари даромадларининг ортиши, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк объектларини ижарага бериш ва шу каби бозор механизмларининг такомиллашуви туфайли аҳолининг кўлига келиб тушаётган фойзалар, дивидендлар, муаллифлик ҳақлари ва шу каби мулкий даромадлар ҳам йил сайин ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Масалан, 2010 йилда аҳоли умумий даромадлари таркибидан мулкий тушумларнинг улуши 2,3 фоизга

харажатлари таркибидан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш салмоғининг барқарорлашиб бориши билан бир қаторда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларга сарфланадиган харажатлар улуши ортмоқда. Агар 2020 йил январь-ноябрь ойидаги кўрсаткичларни 2000 йил маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотларига сарфланган харажатлар 61,4 фоиздан 48,1 фоизга камайганини, ноозиқ-овқат маҳсулотларига 25,8 дан 32,8 фоизга, хизматларга 12,8 дан 19,1 фоизга ошганини кўришимиз мумкин.

Аҳоли истеъмол харажатлари таркибидан озиқ-овқат маҳсулотларига харажатларнинг барқарорлашуви, ноозиқ-овқат ва хизматларга қилинаётган харажатлар улуши ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

АҲОЛИ УЗОҚ МУДДАТ ФOЙДАЛAНИЛАДИГАН БУOМЛАР БИЛАН ҚAЙ ДAРАЖAДА ТAЪМИНЛАНГАН?

2000-2020 йиллар мобайнида аҳолининг узоқ муددат фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражаси ҳам ортиб бормоқда. Шуниси аҳамиятлики, бундай буюмларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, аҳолининг шахсий енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси 2020 йил якунларига келиб ҳар 100 хонадонга 48 тага етди. Ҳар 100 хонадонга тўғри келган телевизорлар сони 161 тани ташкил этиб, 2000 йилдагига нисбатан 1,8 марта ошган. Кондиционерлар — 34 донга (2000 йилдагига нисбатан ўсиш — 3,1 баробар), электр чанготтичлар — 59 донга (ўсиш — 2 баробар), кир ювиш машиналари — 80 донга (ўсиш 1,2 баробар) га тенг бўлди.

Бундан ташқари, АКТ воситалари (шахсий стационар компьютерлар, кўча компьютер (ноутбук, нетбук), планшет ва ёнида олиб юриладиган бошқа компьютер ҳамда мобил алоқа телефонлари)нинг аҳоли ҳаётига шиддат билан кириб келиши ва бу воситаларнинг имкониятлари кундан кунга кенгайиб бориши аҳоли учун алоқа қилиш, ахборот алмашиш ва дунёдаги янгиликлардан тежор хабардор бўлиш борабаридан ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятини яратиб бермоқда.

2020 йил якунларига кўра, 100 та уй ҳўжалиғига тўғри келган шахсий компьютер-

“АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЯХШИЛAНИШИ, БЕВОСИТА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ КўЛАМИ, ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТAРАҚҚИЁТ, АҲОЛИНИНГ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ САВИЯСИ ВА ТАРКИБИ, МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАР, АЛБАТТА, ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАМДА АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИГА БОҒЛИҚ Бўлади.

лар 56 донани (2000 йилда бу кўрсаткич — 0,2 донга) ташкил этган бўлса, 2000-2020 йиллар мобайнида мобил алоқа телефонлари билан таъминланганлик 15,8 баробар ошди (2020 йил якунига келиб ҳар 100 хонадонга 285 тадан, яъни ҳар бир хонадонга 2,9 тадан мобил телефонлар тўғри келди).

Ушбу маълумотлардан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда аҳолининг кундалик ҳаётида зарур бўлган товарлар қаторида электр чанготтич, кир ювиш машинаси, компьютер ҳамда кондиционер каби маиший техника воситаларига ҳали-ҳамон эҳтиёж мавжуд. Ўз навбатида, ушбу маълумотлар республикамизда бу каби товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда хорижий давлатлардан товарларни импорт қилувчи субъектлар учун катта ҳажмдаги истеъмол бозори мавжудлигини далолат беради.

Бугунги кунда уй ҳўжалиқлари танлама кузатувини такомиллаштириш, маълумотлар сифатини ошириш мақсадида бир қатор хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорликда услубий таъминлаштириш, саволномаларни халқаро стандартларга мослаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни кузатув жараёнида 2020 йилгача фойдаланилган қозғош шаклидаги саволномалардан воз кечиб, 2021 йилдан бошлаб тўлиқ уй ҳўжалиқларида кузатувини планшетлар ёрдамида ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ривожланган давлатларда кенг қўлланиладиган ушбу замонавий тизимга кўра, кузатув сўровномалари планшетларга ўрнатилиб, интервьюлар улардан фойдаланган ҳолда олинади. Респондент томонидан интервью саволларига берилган жавоблар ана шу планшетда қайд этиб борилади ва онлайн режимда ягона маълумотлар базасига узатилади. Бу кузатувлар мониторингини юритиш, сифатни назорат қилиш имконини беради.

Жаҳон банкининг малакали экспертлари билан биргаликда 2020-2025 йилларда статистика тизимини такомиллаштириш бўйича миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳа тизимининг тўбдан такомиллаштиришга замин ҳозирлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БМТ

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошланиш 1-бета

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Таъкидлаш жоизки, бугун БМТ жаҳонда ягона, том маънода универсал халқаро ташкилот ҳисобланиб, у дунёвий миқёсдаги масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон мазкур ташкилот билан халқаро муносабатларини янада ривожлантириш йўлини танлади. Дунёда кечаётган ҳозирги глобаллашув жараёни инсоният тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам намоеён этмоқда. Ана шундай шaroитда давримизнинг энг обрўли халқаро тузилмаси — БМТ билан тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиш халқимизнинг туб миллий манфаатларига тўлиқ мос келади. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида

сўзлаган нутқида: “Биз қатъий ишонамиз, БМТ бундан кейин ҳам халқаро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутати”, деганда республикамизнинг ташки сиёсий позициясини ҳам ифодалаганди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон ушбу тузилма аъзоси сифатида

“халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принциплари ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суриши”ни таъкидлади.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш-

нинг янги босқичи” мавзuida бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу жиҳатлар яна бир бор тилга олинди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова сўнги йилларда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар борасида аффилиқ маълумот берди. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган йили қабул қилинган 70 дан ортiқ қонунда ҳам инсон ҳуқуқлари масаласига устуворлик берилгани қайд этилди.

Президентимизнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қий-



ноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўйилмаслиги таъкидлангани, мазкур вазифа Олий Мажлисга Мурожаатномада ҳамда “Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида ҳам акс этганига эътибор қаратилди.

— Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида омбудсман жамоатчилик ва ОАВ билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифларини амалга ошириб, уларнинг якунлари юзасидан парламента ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга таҳлилий маълумотлар тақдим этиб келмоқда, — деди Феруза Эшматова. — Шу билан бирга, омбудсман номига келиб тушган мурожаатлар-

нинг ҳудудлар кесимидаги таҳлили асосида депутат ва сенаторлар, қолаверса, ижро органлари вакиллари билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этилиб, муаммоларни жойида ҳал этиш амалиёти кучайтирилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг мурожаатлари билан ишлашда натижадорликка, ҳар бир мурожаат ечими топилшигига эътибор янада кучайтирилмоқда.

Тадбир давомида Ўзбекистоннинг БМТ билан тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлидаги 29 йиллик ҳамкорлиги натижасида қўлга киритилган ютуқлар, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида илгари сурган таъминларнинг аҳамияти ҳақида ҳам маълумот берилди.



ҚАДРИЯТ

Кўхна Мовароуннахр ҳам дунёвий, ҳам диний илмларда юксак чўққиларни забт этган юзлаб забардаст алломалар етишиб чиққан замин. Афсуски, Чор Россияси, ундан кейин шўролар салтанатининг исканжасида қолган халқимиз бир ярим аср давомида улуг аждодлар меросидан мосуво бўлиб қолди.

ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҒИ МУҚАДДАС ЗАМИН



Шовосил ЗИЁДОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори

Истиқлолгача халқимиз фақат дунёвий илмларда бемисл гайрат-шижоат кўрсатган алломаларимизни танир, улар ҳақида озми-кўпми тасаввурга эга эди. Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, уларнинг тадқиқот ва кашфиётларини инкор этишнинг ёки махфий тутишининг имкони йўқлиги сабаблиги шундай бўлди. Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунари" ёки Мирзо Улугбекнинг "Зижи Қўрагоний" асарини аввал русча нашр этилгани, кейин ноилуж ўзбек тилига ўтирилгани шундан далолат беради.

Илмий меросга бундай ёндашув халқни юпатиб, оз-оз хўрақ билан алдашга уринишдан бошқа нарса эмас. Абу Райхон Бериунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асари ўзбек тилига таржима қилинган, рус тилидаги нуҳаси юртимизда сотувга чиқарилганини бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Айниқса, кейинги йилларда маънавий-маърифий меросимизни тиклаш, ўрганиш, ҳаётимизга татбиқ этиш ва дунёга тарғиб қилишга давлат эътибори кучайди.

Инсоннинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, қўзланган натижага эришиб бўлмастлиги тарихдан барчага яхши маълум. Зеро, дунёвий илмларни пухта эгаллаган, лекин инсоний фазилатларга эга бўлмаган киши башариёт тамаддунини ҳаёлдан фаромуш қилиб, ўз қобилияти тор манфаатларга қалғиб қолиши мумкин.

Шуни инобатга олган ҳолда, давлатимиз раҳбари янги-янги касб-хунар ва билимларни ўргатадиган таълим муассасаларини, хориждаги нуфузли академия, университет ва институтларнинг филиалларини очиб билан бирга, бой маънавий-маърифий меросимизни тадқиқ этиб, кенг афкор оммага етказадиган марказларни таъсис этмоқда, улуг аждодларимиз кўним топган муқаддас қадамжоларни тиклаб, атрофини ободонлаштирмоқда.

Очиқ эътироф этиш керакки, халқимиз Бухорий, Мотуридий, Термизий номларини эшитган, лекин уларнинг ҳаёти ва илмий жасоратидан мутлақо беҳабар эди. Дунё мусулмонларининг аксар қисми эъзозлаб улуғлайдиган, номларини чуқур ҳурмат билан тилга оладиган алломалар ўз она Ватанида эътибордан четда қолиб келаётган эди.

Эндиликда янги ташкил этилган илмий марказлар шу буюк меросни янгидан кашф қилиб, телерадио ва матбуот орқали, рисола ва китоблар билан жамоатчиликка етказмоқда. "Имом Бухорий сабоқлари" дастури аънаанага айланди. Имом Бухорийнинг "Саҳиҳуни Бухорий", Мотуридийнинг шоҳ асари — "Таъйилот ал-Қуръон" илк бор ўзбек тилига ўтирилди ва нашр қилинди.

Шундай хайрли ишларнинг самараси ўлароқ, бугун "Ҳадис илмида Амирул мўминин" ким у "Имомул худо" ким эканини, улар қандай хизматлари учун миллиарддан зиёд инсон олдида шундай юксак мартабага кўтарилиб турганини биламиз.

Бу йўналишдаги ишлар мантиқан бир-бирига боғлиқ, узвий силсилани ҳосил қилиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг бу борада белгиланган йўли ўз вақтида одиллик ва оқиллик билан танланганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Наманган вилояти Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳи ҳам узок йиллар давомида қаровсиз қолган, атрофи кўримсиз чакалақор эди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўшбу маскани обод қилиш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароит яратиш ташаббусини илгари сурганидан сўнг катта ҳажмдаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳеч

қанча вақт ўтмай, киши кўзини яшатиб, кўнглини кўтарадиган, руҳий хотиржамлик бахш этиб, яхшиликка ундайдиган муътабар зиёратгоҳ барпо бўлди.

Эндиликда халқимиз Султон Увайс Қаранийнинг ҳам яқиндан таниб, унинг меросидан бохабар бўлади. Манбаларда келтирилишича, ислом оламнинг табаррук авлиёларида бири сифатида эътироф этиб келинадиган, тарихий китобларда "Икки жаҳон кўеши", "Яман юлдузи", дея улуғланган Султон Увайс Қараний пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом билан замондош бўлган. Пайгамбаримиз ўзларининг муборак чакмонларини Қаранийга мерос қилиб қолдирган, саҳобаларни унинг дуосини олишга чақирганлар. Шундан ҳам унинг мартабаси нақадар улуг эканини англаш мумкин.

Иккинчи ҳаётини бошлаётган зиёратгоҳ бугун тамомла ўзгача қиёфа касб этган. Мақбара бутунлай қайта қурилди. 1 400 ўринга мўлжалланган масжид ва таҳоратхона, музей ва кутубхона, фавворалар, дам олиш айвончалари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди. Бир вақтда қадамжодан жанубий томондаги Ҳазратнинг онаси хоки қўйилган "Биби-Наима она" зиёратгоҳи ҳам тўлиқ қайта қурилди.

Султон Увайс Қараний зиёратгоҳининг очилиш маросимида иштирок этган олимлар, диншунослар, уламолар, хорижлик тадқиқотчилар ва ёшлар ҳам қисқа муддатда амалга оширилган ишлардан бениҳоя катта таассурот олганини таъкидлади. Яхши ният билан мажмуага Наманган вилоятининг янги "таъриф қоғози" дея таъриф берилди.

Биз олдимизга баланд ва улкан марраларни кўйганимиз. Мамлакатимизда "Учинчи Ренессанс" пойдевори яратилмоқда. "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" госяси маънавийнинг бош мезонига айланган. Тараққиётни эса илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шундай экан, аждодларнинг бу мероси, юксак маънавият ва етуқ илму маърифат барчамиз учун порлоқ истиқболга бошловчи ёрқин ва сўнмас маёқ бўлиб қолаверади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ



Худойберди КАРИМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



40 ЙИЛДА УШАЛГАН ОРЗУ

Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда, Кўп эртақ эшитгандим, Сўйлаб берарди бувим...

рими эса йиллар давомида сахнадан тушмай келмоқда. Уларнинг илк премьерасида иштирок этган санъат мухлисларининг ўзи бугун бобо-бувиларга айлангани, невараларини театрга етаклаб келиб, нафосат олами сирларига ошно қилаётгани бор гап.

Президентимизнинг 2017 йил 31 майдати "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги "2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросининг ўзи вақтда таъминлашни сабабли Жиззах вилояти кўғирчоқ театри ўзининг янги биносига эга бўлди.

Кўғирчоқ театрининг янги биносини қуриш бўйича ўтказилган тендерда "Қурилиш кўчма колоннаси — 017" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ғолиб чиқди ва 2019 йилнинг март ойида иш бошлаб, ўтган йилнинг октябрь ойида ишшоотни фойдаланишга топширишга муваффақ бўлди.

Театр биносини қуриш ва жиҳозлаш учун давлат бюджетидан сарфланган маблағлар қўламнинг ўзи мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ёшларнинг ҳеч қимдан кам бўлмаган ўсиб-ўлғайиб, баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қандай имконият ва шарт-шароитлар яратилаётганини кўрсатиб турибди.

Қурилиш ишларига 12 миллиард 756 ярим миллион сўмдан ортиқ, бинони жиҳозлашга эса 1 миллиард 300 миллион сўм маблағ сарфланди. Бинода 230 ўринли битта томоша зали, 105 ўринли кичик зал, маънавият ва маърифат бурчига, музей, актёрлар учун 5 та хона, энг сўнгги техника билан жиҳозланган овоз ёзиш студияси, кенг ва ёруғ кўғирчоқлар бўлими мавжуд. Мазмурият учун 26 та хона ажратилган. 40 ўринли оҳсона, санитария-гиғина хоналари, лифт ва бошқа қўллаб-қўлайликлар яратилгани, буларнинг ҳаммаси театр жамоасининг эмин-эркин ижод қилиши, томошабинларнинг қўлай шарт-шароитда микириб ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилади.

Бир неча йил аввал қишки таътил кунлари ўқувчиларимизни вилоят кўғирчоқ театри томошасига олиб бордин, — дейди Шароф Рашидов туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори Лола Исанова. — Ушанда томоша зал жуذا совуқ эди ва мен болажонларнинг шамоллаб қолишидан қаттиқ хавотирга тушгандим. Янги бино фойдаланишга топширилгандан кейин бу ерга келиб, ахвол тубдан ўзгарганига гувоҳ бўл-

дик. Томошагоҳдаги янгилик ва ўзгаришларни кўриб, "Театр — ибратхонадур" деган ҳикматнинг ўз фоида айтилганини англаб етдим. Энди болаларни ҳеч нарсдан хавотирланмай театрга олиб келямиз. Улар ҳам кенг ва барча шароитлар яратилган залларда мазага қилиб спектакллар томоша қилмоқда.

Жиззах вилояти кўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилишига бағишланган тантанали маросим иштирокчилари орасида маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам бор эди. "Кейинги йилларда Жиззах вилоятида тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, обидаларни таъмирлаш, янги ишоотларни барпо этиш борасида кенг қўлама ишлар амалга оширилаятир, — деди вазир. — Бугун болажонлар ихтиёрига топширилаётган кўғирчоқ театри шу соҳадаги саъй-ҳаракатларнинг яққол далили. Ишонимизки, нафақат Жиззахда, балки бутун мамлакатимизда ёшларни ўзгиргимиз, миллий кадрларимиз, аждодларимиз аънаваларига содиқ бўлишга ундайдиган бундай савобли ишлар қўлами янада кенгайди..."

Театрда бўлган кўнимиз болалар "Широқ" спектаклини кўриб кетишаётган экан. Улардан бирини сўхбатга тордик.

— Роса зўр спектакль экан, — дейди Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Давлатжон Йулчибоев. — Широқнинг мардлигидан, жасоратидан жуذا таъсирландим. Катта бўлсам, Широқ каби ўқтам ва жасур инсон бўлиб етишимни кўнглимга тугиб қўйдим.

— Тўғриси айтсам, кейинги йилларда Жиззах шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзаллашиб, кўркамлашиб кетди. Мен бу гапларни театримизга янги бино қурилгани учун айтаётганим йўқ, — дейди театрининг адабий эмакдоши Гўлчехра Салимова. — Шўбхасиз, бугун бизнинг ҳар томонлама баракали меҳнатини, янги-янги асарларини сақлаштириб, жажжи томошабинлар, уларнинг ота-оналари, устозларига ҳавола қилишимиз учун кенг имкониятлар яратилди. Янги бинога кўчиб ўтгандан кейин ортда қолган қисқа вақт ичида 4 та спектакль тайёрлаганимиз бунга тасдиқлайди. Мақсадимиз — фарзандларимизни ватанпарварликка, ҳалолликка, диёнатга, садоқатга, меҳрга, билим олишга, хуллас, яхши хилатларга қорловчи спектаклларини сақлаштириб, баркамол авлод тарбиясига ўз хиссамизни қўйиш. Ишончимиз комилки, юртимизда комил инсон тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишхотлар яқин кунларда ўз мевасини беради.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ДАРОМАД

ТАБИАТ МЎҶИЗАСИ

Словения ва Австрия кийиклари Бўстонлиқни макон қилди

Башорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида агротуризм яхши ривожланган. Хусусан, Франция, Буюк Британия, Испания, Италия, Греция каби давлатларга борган сайёҳлар бир муддат баҳаво қишлоқларда яшаб, маҳаллий аҳоли маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишади, турмуш тарзини ўрганади, анъанавий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этади. Бу аҳолига, шунингдек, фермерларга мўмай даромад келтиради.

Маълумотларга кўра, туризмнинг кўпгина турлари йилга ўртача 5 фоиз ўсишга эришаётган бир пайтда нисбатан ёш ва янги йўналишлардан бири — экотуризмнинг ўсиш кўрсаткичи йилга ўртача 20-30 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда ҳам туризмнинг бу тури жадал ривожланмоқда. Тошкент вилояти

туризмнинг барча йўналишлари, айниқса, эко ва агротуризм учун ҳар томонлама қўлай ҳудуд. "Олтин ҳалқа" концепцияси доирасида вилоятнинг туризм салоҳияти юқори ҳудудлари ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали сайёҳлар учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, вилоятнинг ўзига хос табиий ҳудудларида туризмнинг янги йўналишларини ташкил этиш, соҳа инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, туризм йўналишларидаги тадбиркорлик соҳасига ушбу ҳудудлар аҳолисини кенг жалб қилиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги сайёҳлик объектлари очилмоқда. Уларда сайёҳлар оқими кундан-кунга ошиб бормоқда.

Ана шундай экоҳудудлардан бири Бўстонлиқ туманининг Қоронкул қишлоғида кийикчилик йўналишидаги эко ва агротуризм мажмуи аллақачон ҳам ички, ҳам хорижий сайёҳлар учун қизиқарли, кўнгли-чоп масканга айланиб улгурди.

2016 йили тадбиркор Бахтиёр Ҳожиमतов мамлакатимизга Испания ва Германиядан мутахассислар таклиф қилди. Унинг нияти Ўзбекистонда кийикчиликни ривожлантириш орқали ҳам оилавий бизнеси, ҳам мамлакат иқтисодийотини ривожлантириш, юртимиз экоҳилма-хиллигига ўз улушини қўйиш эди. Мутахассислар дастлаб Ўзбекистон иқлимини ўрганди: тўрт фасл

қандай кечини кузатди. Сўнг Ўзбекистон шароитида ўсадиган ўт-мёҳлар, хатто ҳашаротларгача назоратга олинди. Иқлим ва тупроқ текшируви ҳамда хулосалардан сўнг мутахассислар розилиги билан кийикларни сотиб олишга тайёргарлик бошланди.

— Биз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан жойлар кўрсатдик, — дейди "Соргид Food" оилавий корхонаси иш бошқарувчиси Баҳодир Худойбердиев. — Биргина Бўстонлиқнинг турт жойи — Амирсой, Бурчмулла, Сижажак ва Қоронкул қишлоғи ҳудудида белгиланган жойлар орасидан айнан мана шу ерни маъқул топдилар.

Тадбиркорга ишни жадаллаштириш учун катта миқдорда қўшимча маблағ зарур эди. Унга Жаҳон банки линияси орқали "Алоқабанк" томонидан 780 минг АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди.

2017 йилдан бошлаб 176,4 гектар майдонда қурилиш ишлари бошланди. Австриядан махсус тўсиқлар олиб келиниб, 98 гектар майдон атрофи 24 километр узунликдаги тўсиқ билан ўралди. Улар кийикларни ташқи таъсирлардан — турли йиртқич ҳайвонлар таҳдидидан ҳимоя қилади. Яна бир томони, кийиклар чопагон ва сакраниши ёқтиради. Ана шундай вазиятларда "девор" жонзотларни яраламайди, ҳавф туғдирмайди.

Словения ва Австриядан сотиб олинган кийиклар Ўзбекистон иқлимига яқин

— Озарбайжонга келтирилди. Кийиклар у ерда 7 ой яшади. Уларнинг соғломлиги, иқлим шароитига мослашувчанлигига ишонч ҳосил қилинган, Ўзбекистонга олиб келинди. Икки хил зот — Европа кийиги ва асл буғуларнинг ҳар иккисидан 48 тадан — жами 96 бош кийик олиб келинган эди. Шу кунгача улар 12 бош кўпайди. Она кийикларнинг 95 фоизи яна болалаш арафасида.

Кийиклар ветеринар томонидан мунтазам назорат қилинади. Уларнинг ҳар бир фаслини қандай ўтказаятгани мутахассислар томонидан қатъий назоратга олинган. Бир йил давомида бирорта ҳам жонзот эгаларини хавотирга қўйгани йўқ. Тоғ шароитига, Ўзбекистон иқлимига мослашиб кетди.

Кийиклар — табиат мўъжизаси. Улар инсонни оҳанрабодек ўзига жалб этади. Қуралай кўзлари, турли шакли шохларидан то хатти-ҳаракатигача эътиборни тортади. Кийикларни яқиндан қўриш учун Ўзбекистон шароитида фақат ҳайвонот болғарида шариот бор эди, холос. Эндиликда маъзур эко-агротуризм зонаси болаларга қўчоқ очмоқда.

Сайёҳлар, хусусан, болаларга аввалдан тайёрлаб қўйилган мева ва сабзавот махсулотларини кийикларга ўз кўллари билан бериш олам-олам завқу шавқ улашиши табиий. Қишнинг қорли-қировли кунларида, айниқса, кий-

йикларни кўришга келганлар сони ошди.

— Ўқувчиларимиз билан тез-тез саёҳатга чиқамиз, — дейди "Школьная академия" хусусий мактаби директори ўринбосари Гўзал Худойберганава. — Бугун ҳам 1-синфнинг 15 нафар ўқувчиси билан бу ерга келдик. Бизга ота-оналар ҳам ҳамроҳлик қилмоқда. Табиат бағрида, фақат кино ё мультфильмда кўрган, китобда томоша қилган ёки ўқиган семимли қаҳрамонлари билан учрашиш уларга завқ бағишлаши шубҳасиз.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 168-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Робия Одилжонова эса бу ерда "Бемби"ни кўрганидан ўзида йўқ хурсанд эканини айтди: "Улар жудаям чиройли. Бу ерда ҳаммаси худди мультфильмдагидек, бирим кўпми..."

Агро-экотур зонасида кийикдан ташқари қирғовул, тустовуқ, лама каби ноёб қўш ва ҳайвонларни олиб келиб кўпайтириш учун ҳаракат бошланган. Оилавий корхона бошқарувчисининг айтишича, март ойи охирида бошланган Ўзбекистонга Испаниядан кийик гўшти олиб келинади. Кийикларнинг ҳар йили болалашини, иқлимга мослашганини ҳисобга олиб айтидиган бўлсак, ҳадемай, бу имконият маъзур оилавий корхонада ҳам амалга ошади. Шунингдек, кийик шохи фармацевтика соҳасида дори тайёрлаш учун ноёб восита ҳисобланиб, бу ердаги лаборатория орқали кийик шохлари



жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига сотила бошланади. Кийик эса йил давомида шохини яна тиклайди.

Туризм индустрияси катта сармога ва ресурсларни муваммаллаштириш билан бир қаторда давлат ва жамият учун зарур бўлган маънавий-маърифий функцияларни бажарувчи иқтисодийёт тармоғи ҳамдир. Эко ҳамда агротуризм орқали чет эллик меҳмонлар Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор табиати, урф-одатлари ҳақида тасаввурга эга бўлса, Ўзбекистон фуқаролари, хусусан, ёшлар ўз Ватани билан яқиндан танишади. Бу она юртга нисбатан миллий ифтихор ҳамда гурур туйғуси шакллантиришда муҳим ўрин тутайди.

Advertisement for 'Янги Ўзбекистон' newspaper, including contact information for the publisher and subscription details.